141093

Илм—ўзни билмакдир

МАҲРИСОАТ

معرفت

MARIFAT

Халқ зиёлилари газетаси — 1931 йилдан чиқа бошлаган — 1993 йил 6 октябрь, чоршанба — № 63 (6574). Баҳоси сотувда эркин нархда.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ МИНБАРИДАН ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ ИЛК БОР ЯНГРАДИ

Мустақил Ўзбекистонимиз жаҳон ҳамжамиятига дадил қадамлар билан кириб бормоқда. Давлатимизни дунёнинг жуда кўп мамлакатлари тан олган. Ўтган йилнинг март ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Ўшандан бери бу нуфузли ташкилот пештоқида бизнинг байроғимиз ҳам ҳилпираб турибди. Президентимиз Ислом Каримов жуда кўп мамлакатларга сафар қилди.

Президентимизнинг 26—28 сентябрь кунлари Нью-Йоркка қилган сафари ҳақиқатан ҳам тарихий воқеа бўлди: давлатимиз бошлиғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида катта нутқ сўзлади.

Атоқли сиёсатчилар ва журналистлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу нутқини юксак баҳоладилар.

Ислом Каримовнинг Нью-Йорк сафари жуда самарали бўлди. Ў қисқа муддат ичида БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий, Америка Қўшма Штатлари Президенти Б. Клинтон, БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Н. Гоулдинг билан учрашиб, суҳбатлашди. Америкининг кўзга кўринган сиёсатчиси ва жамоат арбоби Г. Киссенжер Президентимизни ўз уйида азиз меҳмон сифатида қабул қилди ва машҳур «Ривер-Клуб»да унинг шарафига зиёфат берди. Зиёфатда йирик бизнесмеклар иштирок этдилар.

Сафар давомида АҚШнинг «Морган Гаранти Траст компани» ва «Кемикел Банк» сингари йирик банклари раҳбарлари билан учрашувлар бўлди ҳамда битимлар имзоланди.

Машҳур «Ньюмонт майнинг» фирмаси раҳбариятининг «Плаза» меҳмонхонасида ўтказган қабули унутилмас воқеа бўлди. Бу маросимда АҚШнинг олтмишдан ошиқ нуфузли бизнесменлари иштирок этди. Қабулда Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқ сўзлади ва кўплаб саволларга жавоб берди. Унинг деярли ҳар икки иборасидан кейин гулдурос қарсаклар янграб турди. «Биз —. американликларни ҳайратга солиш қийин, аммо жаноб Каримов ўзининг жасурлиги ва дадиллиги билан барчамизнинг эътиборимизни жалб этди», «у иқтисоднинг жуда катта билимдони экан!», «у нафақат катта сиёсатчи иқтидорига эга, жуда нозиктаъб киши экан», «биз шу пайтгача юртларингизни яхши билмас эдик, Ислом Каримов билан мулоқот туфайли уни кашф этдик ҳамда бизда сизлар билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги пайдо бўлди», «сизлар Президентларингиз билан фахрланишларингиз мумкин». Бу гаплар Америка Қўшма Штатлари йирик бизнеси раҳбарларининг қабулдан кейин айтган сўзларининг бир қисми, холос.

Ислом Каримов АҚШда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан ҳам учрашиб, қуюқ, самимий суҳбатлашди.

Анвар ЖЎРАБОЕВ, (ЎзА).

Ҳар йили октябрь ойининг биринчи якшанбаси халқ таълими ходимлари куни сифатида нишонланади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикамиз давлат мустақиллиги ва демократик жамият қурилиши жараёнида ёшларга таълим-тарбия бериш, малакали мутахассислар тайёрлашда ўқитувчилар, тарбиячилар ва бошқа педагог ходимларнинг хизматларини ҳамда мавқеини инобатга олиб:

1. «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ходимлари куни» этиб октябрь ойининг биринчи якшанбаси белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига мувофиқ ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 1 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузаси

Бош Ассамблея Раиси, элчи Амсанелли жаноблари!

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий жаноблари!

Муҳтарам давлат бошлиқлари ва ташқи ишлар вазирлари!

Муҳтарам жаноби элчилар!

Хонимлар ва жаноблар!

Менга тарихда биринчи марта БМТ Бош Ассамблеясида давлат бошлиғи ва мустақил Ўзбекистон вакили сифатида билдирилган шараф учун Сизларга ташаккур йўҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Бизнинг тасаввуримизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — барча давлатларнинг, минтақаларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ҳал этиш учун тузилган ноёб ташкилотдир. БМТ —халқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонасидир.

Туб тарихий ўзгаришлар даврида ҳозирги дунёнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига боғлиқлиги ортиб бораётгани равшан кўриниб турибди. Айни пайтда умуминсоний муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилишда жаҳон миқёсидаги сиёсий восита сифатида БМТнинг дунё кўламидаги роли ва аҳамияти ошиб бормоқда.

Барча давлатлар тан олган мустақил Ўзбекистон энди ликда. БМТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолянти. Республикада кўпгина мамлакатларнинг элчихоналари, турли халқаро ташкилотлар ишлаб турибди. Ўзбекистонда БМТ ваколатхонаси самарали ишлаётганини мамнуният билан таъкидлайман. Бу ваколатхона БМТ Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий жаноблари нинг шахсий ташаббуси билан очилди.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатиминиг мустақиллигини тан олганликлари ва қўллаб-қувватлаганликлари учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, БМТга аъзо бўлган барча давлатларга ўз халқим ва ҳукуматим номидан самимий миннатдорлик изҳор қилишни истайман.

22 миллион аҳолиси бўлган Ўзбекистон жўғрофий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам Марказий Осиёнинг ўзагини ташкил қилади. Дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири мана шу минтақада пайдо бўлган. Қадим замонларда Буюк ипак йўли шу ердан ўтган.

Халқимнинг тарихи ўз илдизлари билан асрлар қаърига бориб тақалади ва уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Қадимий Турон, Моваро уннаҳр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари жуда қадим замонлардан дунёга машҳур бўлган. Олис асрларда бу шаҳарлар Хитойдан Испаниягача, Европадан Ҳинд океанигача алоқа боғлаган.

Бу шаҳарлар улуғвор меъморчилик обидалари билангина шуҳрат қозониб қолмай, айни пайтда бутун дунёдан буюк мутафаккирлар ва ижодкорлар интилган жойлар ҳам бўлган. Самарқандни ўз давлатининг пойтахти қилган буюк Темур олимларга, файласуфларга, меъморларга, шоирлар ва машшоқларга ҳомийлик қилиши билан шуҳрат қозонган.

Маънавий, илмий ва эстетик қадриятлар халқимизнинг турмуш тарзида, анъанавий маданиятида муҳим ўрин олган. Биз ўзимизнинг тарихимизни ва жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимиз—Шарқнинг мутафаккирлари Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва бошқаларни эъзозлаймиз ҳамда улар билан фахрланамиз.

Мустақилликни эълон қилиб, Ўзбекистон ўзининг маънавий қадриятларини ва ақлий салоҳиятини қайта тиклаш даврига, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгартишлар даврига қадам қўйди.

Биз очиқ бозор иқтисодиётига ва кучли ижтимоий ҳимоя тизимига эга бўлган ҳуқуқий, демократик ва дунёвий жамият барпо эта бошладик. Сиёсий институтларнинг ривожланиши, йўналишлари ва шакллари хусусида халқимизда яқдиллик бор. Демократик ўзгартишлар йўлида сезиларли силжишлар бўляпти.

Ўтган йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикасининг тамоман янги асосий қонуни қабул қилинди. Халқаро холис экспертлар унга юқори баҳо беришди. Бизнинг Қомус демократик конституцияларга қўйиладиган юксак талабларга жавоб беради, инсон ҳамда фуқаронинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини кафолатлайди.

Ўзбекистонда давлат бошлиғи ва парламентга эркин ва муқобил асосда умумхалқ сайловлари ўтказилди. Давлат идоралари ўртасида ҳокимият ваколатлари аниқ ажратиб қўйилган. Кўп партиявийлик тобора ривожланяпти.

Юз йилдан кўпроқ вақт ўтгач, халқимиз яна озод бўлиб, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш, маданиятини бойитиш, маънавий қайта уйғонишни таъминлаш имкониятига эга бўлди.

Республикада юздан зиёд халқлар ва элатлар яшаб турибди. Бизда барча этник гуруҳларга миллий маданиятларини, анъаналарини, тилларини ривожлантиришлари учун катта ва етарли имкониятлар берилянти. Ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, тинчлик ва миллатлараро тотувлик сақланиб қолаётганлиги билан фахрланамиз.

Ўзбекистон Республикаси — кучли ва кенг имкониятли, ноёб табиий бойликларга эга, истиқболи порлоқ мамлакат. Аҳолининг 50 фоизга яқини 18 ёшгача бўлган ёшлардир. Республика пахта етиштириш бўйича жаҳонда учинчи ўринни, олтин қазиб чиқаришда — саккизинчи, мис қазиб чиқаришда ўнинчи ўринни, нодир металлар ва стратегик хомашё заҳиралари бўйича салмоқли ўринни эгаллаб турибди. Ғоят катта энергетика ресурсларига ва бошқа кўпгина бойликларга, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва деҳқончиликнинг қадимий анъаналарига эга бўлиб, саёҳат учун ажойиб бир ўлкадир.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Барчангизни қутлуғ байрам—Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ходимлари куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ижтимоий ҳаётимизда, жамиятимизда ва хонадонимизда сиз, халқ таълими ходимлари — ўқитувчи, тарбиячи ва педагогларимизнинг нуфузи ғоят юксакдир. Муаллим ёш кўнгилларга фақат илм уруғини сепибгина қолмай, балки ватанпарварлик, одамийлик, меҳнатсеварлик, жўмардлик, меҳр-шафқат каби инсоний фазилатларни ҳам тарбиялайди. Ота-она вужуд меъмори бўлса, муаллим қалб меъморидир.

Она Ўзбекистонимизда миллий мактаб қиёфаси шаклланмоқда, умуминсоний қадриятлар билан бойимоқда. Бунда асосий масъулият муаллимлар, мураббийлар зиммасига тушмоқда. Давр сизлардан муттасил изланишни, таълим-тарбияда миллий ва жаҳон педагогикаси ютуқларига асосланган янги усуллар қўллашни, ижодкорликни талаб этаётир. Сизлар миллий истиқлол мафкурасининг пешқадамлари бўлишингиз, ёш авлод юрагида юртга эгалик, ватанга муҳаббат туйғуларини қарор топтиришга хизмат қилишингиз табиий ҳолдир.

Бугун — мустақил янги давлат — демократик жамият қуриш замони. Бугун — уйғониш замони. Бугун тоғдай бардош, метин ирода билан мустақил Ўзбекистон юртига елка тутиб берадиган замон. Ўзбекистон жаҳонга чиқди. Бугун ана шу қутлуғ йўлда қилинган энг кичик савобли иш ҳам эртага катта мақсадларга етказиши аниқ.

Муҳтарам мураббийлар!

Ушбу қутлуғ айёмда сизларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга қут-барака ва осойишталик, эзгу ва шарафли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман. Барчангизга ватан ва элимиз рози бўладиган муборак ишларни амалга ошириш насиб этсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

3—4 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ МОСКВАДА РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН

Давлат бошлиқларининг Мурожаатномаси

Демократияга қарши кучлар шундай бир чегарадан ўтдиларки, бу ҳақда бир неча марта гапирилган эди. Москвада қон тўкилди ва бунинг айбдорлари ўзларини қонундан ташқари қилиб қўйдилар. Музокара жараёнини барбод қилган ва одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган, қонунга хилоф қуролли тузилмаларнинг авантюрачилигини ҳеч қандай сиёсий мақсадлар билан оқлаш мумкин эмас.

Биз халқларимизнинг тақдири тарихан боғлиқ Россия халқи билан биргаликда рўй берган воқеадан чуқур ташвишланяпмиз ва ҳалоқ бўлганларнинг оилаларига ҳамдардлик билдирамиз.

Ҳозирги қалтис дамларда барча россияликларни ақлфаросат ва вазминлик билан иш тутишга чақирамиз. Россия Президенти ва ҳукумати ирвогарларни тўхтатиш ҳамда демократияни ҳимоя этиш учун ҳамма ишни қилишига ишонамиз.

Биз яна инсонлар қурбон бўлишига йўл қўймаслик учун имкони бўлган барча сиёсий куч-ғайратларни сарфлашга тайёрмиз.

Бизнинг Мурожаатномамизни МДҲдаги бошқа давлатлар ҳам қўллаб-қувватлайди, деб умид қиламиз.

Озарбойжон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ҳ. АЛИЕВ.

Арманистон Республикаси Президенти Л. Тер-ПЕТРОСЯН.

Қозоғистон Республикаси Президенти Н. НАЗАРБОЕВ.

Қирғизистон Республикаси Президенти А. АКАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Украина Президенти Л. КРАВЧУК.

ЭЪЗОЗ

Муаллим ёш авлодни келажакка тайёрловчи муҳандис, жамият маънавиятининг зиёбони. Шу боисдан ҳам мустақил Ўзбекистон раҳбарияти халқ таълимини равнақ топтиришнинг бош ижрочиси — ўқитувчиларнинг обрў-эътиборини оширишга, уларни эъзозлашга ва эзгулик йўлидаги меҳнатларини қадрлашга катта эътибор бериб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ таълими ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги Фармони бу тармоқда меҳнат қилаётган мингминглаб ўқитувчилар, тарбиячилар ва бошқа педагог ходимларнинг хизматларини қадрлаш ҳамда улуғлашга қаратилган муҳим давлат тадбири бўлди. Фармонга кўра, энди ҳар йили октябрь ойининг биринчи якшанбасида мамлакатимизда халқ таълими ходимлари куни нишонланади.

Байрам муносабати билан республикамиз шаҳар ва қишлоқларида меҳри қуёш ўқитувчи-устоз, мураббийларни эъзозлашга бағишланган тантанали йиғилишлар, кечалар, тадбирлар бўлиб ўтди ва ўтаётир. 1 октябрь куни мамлакатимиз пойтахтидаги Алишер Навоий номли ўзбек давлат академик катта опера ва балет театрида ўтказилган тантанали кеча ҳам ана шу қутлуғ айёмга бағишланди. Бу ерга Тошкент шаҳри мактаблари, ўқув юртлари, тарбия муассасаларининг таниқли муаллимлари, профессор-ўқитувчилари, тарбиячилари, бошқарув идоралари, институтларнинг раҳбарлари ва масъул ходимлари, олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари тўпландилар.

Тантанали кечани Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Қ. Йўлдошев кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошевга сўз берилади. Вазир ёш авлодга таълим-тарбия беришдек эзгу ишда ижодий меҳнат қилаётган барча халқ таълими ходимларини қутлуғ

(Давоми 2-бетда).

ОБУНА-94

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Севимли газетангиз «МАҲРИФАТ»га обуна бўлишни унутманг! Бир йиллик обуна баҳоси 9840 сўм, ярим йилга—4920 сўм.

Ф. СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот» уюшмаси

АБОНЕМЕНТ рўзнома / ойнома 64595

МАҲРИФАТ (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) Обуна сони

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

Кимга

(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п. в. жойи

64595

МАҲРИФАТ (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи)

Обунани яна манзилга юбориш — Баҳоси Сўм — Баҳоси Сўм — Обуна сони

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузаси

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Республика кучли илмий, ақлий ва маънавий салоҳиятга эга. Олимларимиз математика, физика, биология соҳасида олиб бораётган илмий-тадқиқотлар минтақамиздан ташқарида ҳам яхши маълум. Аммо бизнинг энг асосий бойлигимиз — ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳис эта олиши билан ажралиб турадиган кўнгли очиқ, меҳнатсевар, меҳмондўст ва мағрур халқимиздир.

Озод Ўзбекистон жамиятни ислоҳ қилишнинг бурунги ҳолатидан демократик жамият ва бозор иқтисодиёти қадриятларига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлаб олди. Шу билан бирга биз иқтисодиёти ҳаддан ташқари издан чиққан ва экологияси бузилган республика қисқа давр ичида бундай меросни ўзгартириши ва ўнглаб олиши мумкин эмаслигини биламиз. Бу худуд, аслини олганда, собиқ ССР Иттифоқи таркибида хомашё манбаи бўлиб келган. Бу ердан арзон хомашё олиб чиқиб кетилиб, унча сифатли бўлмаган тайёр маҳсулот келтирилар эди.

Биз аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлган, республикада иш билан таъминлаш соҳасида жиддий муаммолар ва талайгина моддий қийинчиликлар мавжуд шароитда жамиятни иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ривожлантириш сиёсий ислоҳотлардан олдинда бориши керак-лигини яхши биламиз.

Мустаҳкам қонунчилик негизини, ҳуқуқий маданиятни, қарашлар ва фикрларнинг хилма-хиллиги билан муроса қилишни ва холислик руҳиятини тайёрлаш зарур. Энг муҳими эса кейинги 75 йил мобайнида яшаб келган маъмурий-буйруқбозликдан иборат тоталитар тақсимот тизими юзага келтирган одамлар руҳиятини, уларнинг тафаккурини ўзгартириш лозим.

Биз кейинги вақтларда собиқ социалистик лагернинг талайгина мамлакатларида бир неча марта кузатганимиздек, зиддиятли ёндашув, воқеаларни ўйламай-нетмай жадаллаштириш кескин можароларга, фуқароларнинг бир-бирига қарама-қарши туришига, миллатлараро тўқнашувларга, ечимини кутаётган муаммоларнинг янада чуқурлашиб кетишига, эркин бозор иқтисодиёти ва демократик ислоҳот ғояларининг барбод бўлишига олиб келиши мумкин.

Эндиликда дунёда жамият ва ижтимоий иқтисодий тараққиётнинг ҳар қандай мамлакат учун бир хилда мақбул бўлган ҳаммабоп йўллари йўқлиги равшан бўлиб қолди. «Капиталистик» ва «социалистик» деган тушунчалар ўртасидаги фарқ амалда йўқ бўлиб боряпти. Мафкуравий ақидалардан холи бўлган янги эркин тафаккурни шакллантириш зарурати етилди. Бундай тафаккур ҳар бир мамлакатнинг сифат жиҳатдан янгича ҳолатга ўтишида ғоят хилма-хил шакллар ва йўлларни очиб беради.

Биз аниқ вазиятга, ўзбек халқининг руҳияти ва анъаналарига асосланиб, ўз ислоҳотларимизнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқдик.

Биринчидан, биз иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлигини, ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларнинг мафкурадан холи бўлишини эълон қилдик.

Иккинчидан, биз ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи ва республикада амалга оширилаётган демократик ўзгартишларнинг изчил ташаббускори бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, бу — қонунчиликни, ҳуқуқнинг устуворлигини таъминлашдир.

Тўртинчидан, фуқароларнинг, айниқса кам даромадли фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг мададига муҳтож бўлган барча кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган кучли ижтимоий сиёсат биз учун ниҳоятда муҳим.

Ва, ниҳоят, бешинчидан, бизнинг шароитимизда бозор муносабатларига ўтиш босқичма-босқич, тадрижий йўл билан амалга оширилиши керак. Доно халқимиз айтганидек: «янги уй қурмай туриб, эскисини бузма».

Демократик ислоҳотлар учун жамиятнинг барқарорлиги ва давлатнинг хавфсизлиги ҳаётий заруратдир. Буларсиз бошқа масалаларни амалда ҳал қилиш мумкин эмас. Ўзбекистон барча минтақаларда ва аввало Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун қатъият ва изчиллик билан ҳаракат қилиб келяпти. Минтақамизнинг хусусияти, унинг жўғрофий-сиёсий мавқеи шундайки, воқеаларнинг салбий ривожланиши оқибатида у бутун дунёда беқарорликнинг катта манбаларидан бири бўлиб қолиши мумкин.

Шуни айтиб ўтиш кифояки, Марказий Осиёда ҳар хил этник ва диний гуруҳларга мансуб бўлган салкам 60 миллион киши яшайди. Бу ерда ядро қуроли, шунингдек, катта вайронгарчилик кучига эга бўлган оддий қурол-яроғлар тўпланган. Шу минтақадаги тўқнашувлар олдиндан айтиб бўлмайдиган миқёслардаги фалокатларни келтириб чиқара олади.

Шу муносабат билан Тожикистондаги ва тожик-афғон чегарасидаги вазият тўғрисида гапирмасдан бўлмайди. Унда қатнашувчи кучларнинг сиёсий манфаатлари хусусида баҳс юритиш мумкин. Аммо шу нарса шубҳасизки, Тожикистондаги қонли можаро томонлардан бирининг ғайриқонуний равишда, қурол кучи ва қўрқитиш йўли билан ҳокимиятни босиб олишга ҳамда уни ташқаридан тўхтовсиз моддий ва мафкуравий жиҳатдан аралашиш йўли билан қўллаб-қувватлашга уринишлар натижасида юзага келди. Бунинг оқибатида кўпгина сиёсий кучлар, жамиятнинг турли табақалари қуролли тўқнашувга жалб этилиб қолди. Бу тўқнашув халқаро тус касб этди. Чунки ҳукуматга қарши кучларнинг жанговар тузилмаларини тайёрлаш, пул ва ҳарбий техника билан таъминлаш манбалари Тожикистондан ташқарида эди.

Ўзбекистон ҳукумати Тожикистонда ва тожик-афғон чегарасида можаронинг давом этаётганлигидан ташвишда. Авваламбор бунинг сабаби шуки, асрлар мобайнида Марказий Осиё халқлари иқтисодий, маънавий ва маданий жиҳатдан чамбарчас боғлиқ бўлишган. Ҳозирги вақтда мазкур минтақанинг кўпгина мамлакатлари ўртасида аслида том маънодаги чегаралар йўқ. Шу боисдан ҳар қандай нуқтадаги можаро соф жўғрофий сабабларга кўра бутун минтақани қамраб олиш хавфини туғдиради.

Можаро содир бўлаётган жойларда ғоят кўп миқдорда замонавий қурол-яроғ ҳеч бир назоратсиз тўпланаётганлиги ҳам бизни ташвишга солаяпти. Бу қуроллар-яроғлар қаердан келаяпти ва улар жангарилар билан террорчиларнинг қўлига қандай тушиб қолаяпти? Биродаркушлик урушлари бўлаётган жойларга қуролларнинг бундай оқимини тўхтатиш учун жаҳон ҳамжамияти нима қилаяпти ва нималар қилиши лозим? Халқларнинг манфаатларига, миллатларнинг тақдирига ва миллионлаб кишиларнинг ҳаётига дахлдор бўлган бу саволлар ўз жавобини кутаяпти.

Тожикистонлик қочоқлар муаммоси можаро алангасида мисли кўрилмаган кескинлик касб этди. Ўн минглаб тинч аҳоли туғилиб ўсган жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Ўзбекистон Тожикистонга озиқ-овқат, энг зарур моллар юбориб турибди. Қочоқларнинг қайтишига ёрдам бераяпти. Инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда БМТ муассасаларига Термиз бюроси орқали баҳоли қудрат кўмаклашаяпти.

Ўзбекистон жангариликни, террорчиликни, ҳар қандай кўринишдаги диний фанатизм ва ақидапарастликни қатъиян қоралайди. Биз можарони сиёсий воситалар ёрдамида тинч йўл билан ҳал қилиш, бир-бирига қарши курашувчи томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш, мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тарафдори бўлиб, тожик халқига ва аввало Афғонистондан қайтиб келаётган қочоқларга бундан буён ҳам инсонпарварлик ёрдами беришга тайёрмиз.

Ўзбекистон Тожикистондаги можаронинг бошиданоқ вазиятни синчиклаб ўрганиш ва унинг БМТ доирасида бартараф этилишини таъминлаш ниҳоятда зарурлигига БМТ Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос Ғолийнинг эътиборини икки марта жалб қилди.

Биз модомики, можаро унда қатнашувчиларнинг таркибига, қўламлари ва оқибатларига кўра халқаро можаро бўлганлиги учун уни бартараф этиш ҳам халқаро куч-ғайратлар асосида амалга оширилиши керак, деган фикрдан келиб чиқамиз.

Тожикистондаги можаро хусусида ташвиш билдириб, унга тез эътибор берганлиги ва куч-ғайрат сарфлаганлиги учун биз БМТдан, унинг Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос Ғолийдан миннатдормиз ва жаҳон ҳамжамияти тинчлик ишига қўшилган бу ҳиссага муносиб баҳо беришига ишончимиз комил. Минтақада БМТ Бош котибининг махсус элчиси жаноб И. Киттани раҳбарлигидаги миссия самарали ишлаяпти. Бизнинг назаримизда, у тўплаган материал БМТ Хавфсизлик кенгашининг мажлисида можаронинг характери ва ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисида объектив хулосалар чиқариш имконини берди.

Шунга қарамай, ҳозирги вазиятга асосланиб, нафақат Тожикистонда, балки Афғонистонда ҳам тожик-афғон чегарасидаги аҳволга етарлича эътибор берилаяпти деб айтиш қийин. Ушбу можаронинг миқёслари ва потенциали, бутун дунёга хавф солаётган ҳалокатли оқибатлари ҳали тўла-тўкис англаб етилгани йўқ. Фурсатдан фойдаланиб, мен Бош ассамблея сессиясининг қатнашчиларини мазкур муаммони ҳал қилиш йўллари тўғрисида ўзларининг амалий фикр-мулоҳазаларини билдиришга чақираман.

Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг доимий ишловчи семинари чақирилишини айни муддао деб ҳисоблайди. Тинчлик ўрнатишда қадимий анъаналарга эга бўлган, халқаро ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик руҳи билан йўғрилган шаҳар сифатида Тошкент БМТнинг ана шундай семинари ўтказиладиган жой бўлишга тайёр. Доимий ишловчи семинарда жаҳонда умумий хавфсизлик сиёсати доирасида ва БМТ Низомининг 52-моддасига мувофиқ манфаатдор мамлакатлар Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликнинг ишончли тизимини вужудга келтириш имкониятларини муҳокама қила олур эдилар. Бундай тизим можаролар ва урушлар юзага келган ҳолларда тинчликни сақлаш ва қайта тиклаш борасидаги чора-тадбирларни, жумладан, тинчликни ва чегаларларнинг яхлитлигини бузмоқчи бўлганларга қарши дипломатик, молиявий, иқтисодий ҳамда бошқа тусдаги коллектив жазо чораларини кўзда тутиши, ушбу минтақада барқарорлик ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш бўйича БМТ учун тавсияномалар ишлаб чиқиши мумкин бўлур эди.

Ўзбекистон жаноб Бутрос Бутрос Ғолийнинг 1992 йил 31 январда хавфсизлик кенгашида баён қилинган «Тинчлик кун тартиби»да таклиф қилганидек, ер юзида хавфсизликни таъминлашда жаҳон ташкилоти сифатида БМТнинг янги ролига эришиш йўлларини қўллаб-қувватлайди. Биз БМТ Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос Ғолийни Марказий Осиё минтақасига, жумладан, Ўзбекистон Республикасига келишга таклиф қиламиз. Ишончим комилки, БМТ ва унинг Бош котибининг обрў-эътибори ушбу минтақада воқеалар салбий ривожланишининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик имконини беради.

«Кун тартиби»да жаноб Бутрос Бутрос Ғолий ҳозирги дунё учун можароларнинг олдини олиш дипломатияси аҳамиятига катта эътибор беради. Бу эса бизнинг нуқтаи назаримизга тўла мос келади. Мана шу юксак халқаро минбардан туриб, БМТни ўзининг тинчликпарвар фаолиятини, айниқса, можаролар чиқадиган жойларда тинчлик ўрнатиш фаолиятини янада кучайтиришга чақиришни истардим.

Шуни эътироф этишга тўғри келадики, кўп ҳолларда нуфузли халқаро ташкилотлар можароли вазиятларга, ифодали айтганда, ёнғин ҳиди эндигина чиқаётган пайтда эмас, балки батамом ловуллаб кетганда, бартараф этиш қийин бўлиб қолгандан кейингина эътибор бера бошлайдилар. Жаҳон ҳамжамияти можаролар кучайишининг олдини олиш мақсадида кўп ҳоллардаги бефарқ кузатувчи ролидан фаол тинчликпарвар мақомига ўта бориши керак.

Шу муносабат билан БМТ Хавфсизлик кенгаши ҳузурида юзага келаётган халқаро можароларни таҳлил қилиш ва оқибатини белгилаш бўйича махсус гуруҳ ташкил этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бундан мақсад тегишли қарорлар қабул қилиш учун Хавфсизлик кенгашига, БМТнинг бошқа бўлинмаларига, бутун жаҳон ҳамжамиятига зудлик билан тавсияномалар тайёрлашдан иборатдир.

Ҳозирги замон воқелиги шундайки, бир мамлакатнинг хавфсизлиги бошқа давлат ҳисобидан таъминланиши мумкин эмас. Минтақа хавфсизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажратиб бўлмайди. Шунга асосланиб, Ўзбекистон ядро қуролининг батамом тугатилиши учун, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг самарали амал қилиши ва унинг ҳеч бир муддатсиз узайтирилиши учун ҳаракат қилади. Бизнинг республикамиз ана шу шартноманинг амал қилиш муддатини узайтиришга оид конференцияга тайёргарлик музокараларида фаол қатнашади. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақаси ядросиз зона деб эълон қилинишининг қатъий тарафдоридир.

Биз кимёвий қуролни тақиқлаш конвенциясига қўшилиш тўғрисидаги ҳамда бактериологик қуролни тақиқлаш муаммолари бўйича зарур музокараларни ҳам масъулият билан ўтказиш ниятидамиз. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида кимёвий ва бактериологик қуролнинг тарқатилиши устидан халқаро назорат ўрнатиш зарур, деб ҳисоблайди.

Биринчи навбатдаги муаммолар орасида наркобизнесга қарши умумий саъй-ҳаракатларни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилишини истардим. Биз ана шу иллатга қарши курашда кенг қўламли ҳамкорлик тарафдоримиз. Жаҳонда ишлаб чиқарилаётган ва истеъмол қилинаётган наркотик моддаларнинг талайгина қисми Марказий Осиёда тайёрланаётганлиги ёки у орқали ташиб ўтилаётганлиги сир эмас. Наркобизнеснинг транзит йўналишлари бир минтақада жамланишининг ўзиёқ мана шу даҳшатли ҳодисани тугатишда жаҳон ҳамжамияти ўз имкониятларини жамлаб, ишга солиши учун етарли асос бўлади. Ўзбекистон барча манфаатдор мамлакатлар ва ташкилотлар билан бу борада ҳамкорлик қилишга тайёр. Наркобизнесга қарши курашда биргаликдаги куч-ғайратларни мувофиқлаштириш учун Марказий Осиёда БМТнинг минтақавий комиссияси тузилишини биз қутлаган бўлур эдик.

Биз атроф муҳитни назорат қилиш ва жаҳон миқёсидаги экологик фалокатларнинг олдини олишда БМТнинг роли кучайтирилишини ҳам ёқлаб чиқяпмиз. Мана шу олижаноб вазифани амалга оширишда ҳар жиҳатдан кўмак беришга тайёрмиз.

Дунёдаги кўпгина минтақалар каби Марказий Осиё ҳам ғоят катта миқёсдаги экологик офатларга дуч келяпти. Энг аввало бу Орол денгизи фожиасига тааллуқли. Кейинги йилларда унинг ҳажми уч баравардан кўпроқ қисқарди, майдони икки баравар камайди, қирғоқ 80 километрга чекинди, сувнинг минераллашув даражаси тўрт бараваргача ошди, ҳайдаладиган икки миллион гектар ерни қум босди, чанг-тўзонлар бўрони 300 километр ва ундан кўпроқ масофага етиб борадиган бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси минтақадаги санитария ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. БМТ эксперталарининг фикрига кўра, Орол муаммоси ўзининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари жиҳатидан 20-асрнинг энг катта офатларидан бири бўлиб қолди.

Орол денгизининг ҳалокати бутун дунё учун олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлар келтириб чиқармоқда. Биз жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, Оролни ва Оролбўйини қутқаришда ёрдам беришга чақирамиз.

Фалокатнинг ҳақиқатан ҳам жаҳон миқёсида эканлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон БМТнинг Орол муаммоси бўйича махсус комиссияси ташкил қилинишини ёқлаб чиққан бўлур эди. Бу комиссия минтақадаги ҳукуматлар билан келишган ҳолда ва БМТнинг имкониятлари орқали халқаро кучлар ва маблағларни мана шу экологик фожиани бартараф этишга жалб қилган бўлур эди. Дастлабки қадам сифатида мазкур комиссия ушбу муаммо бўйича Нукус шаҳрида БМТ ҳомийлигида халқаро конференцияни тайёрлаши мумкин бўлур эди.

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон «совуқ уруш» тугаши даврида мустақил бўлди. Ана шу давр БМТ ва жаҳон ҳамжамияти олдида йиғилиб қолган муаммоларнинг жамики мажмуига сергаклик билан янгича баҳо беришни тақозо қилади. Биз Шимолдаги тараққий этган мамлакатлар билан Жанубдаги ривожланаётган давлатлар ўртасида ҳадиксираш кучайганлигидан хавотирдамиз. Шарқ билан Ғарб ўртасида мавжуд аввал бўлган мафкуравий муросасизлик эндиликда миллий ва диний заминдаги муросасизлик билан алмашаётгани хусусида таассуф билдирамиз. Биз ақидапарастлик, экстремизм, терроризм тамойилларининг кучайганлигидан ташвишдамиз.

Бизнинг назаримизда вужудга келган шароитда инсоният тараққиётини чигаллаштириб юбориши мумкин бўлган янги можароларнинг олдини олишда айни БМТ асосий восита бўлиши керак. Шу муносабат билан биз БМТнинг энг муҳим органи — Хавфсизлик кенгаши ҳозирги дунёнинг ижтимоий-иқтисодий, этник-маданий, диний, маънавий жиҳатдан ғоят хилма-хиллигини баб-баравар тарзда акс эттириши, ўзининг таркиб топган консерватив тузилмасини қайта кўриб чиқиши учун ҳам самарали чора-тадбирлар белгилаш зарурати ниҳоятда етилди, деб ҳисоблаймиз.

Жаҳон халқлари янги минг йиллик бўсағасида турибдилар. Улар ўз келажакларининг порлоқ, истиқболли бўлишини истайдилар. Жаҳон миқёсидаги мафкуравий қарама-қаршиликларнинг ағдар-тўнтарлари ўтмишда қоляпти. Халқларнинг тинчлиги, ҳамкорлиги, ўзаро хавфсизлигидан бошқа йўл йўқ эканлигига қатъий ишонч ортиб боряпти.

Ҳақиқатан ҳам, инсониятнинг эртанги куни қандай бўлар экан? У янги даврга қай ҳолда кириб боради. Ўтмишнинг оғир меросини бартараф эта оладими? Ўзаро ҳадиксираш, ишончсизлик, ҳукм ўтказиш ҳоллари йўқ бўлиб кетганда давлатлараро муносабатларда рўй-ростлик ва самимийликнинг шундай даражасига эришадими? Миллатлар ҳамжамиятининг келажаги мана шу саволларга бериладиган жавобларга боғлиқ. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг муштарак манфаатлари билан узвий боғлиқ ҳолда, унинг замонавий ривожланиш даражасига хос бўлган чуқур демократик жараёнлар ўзанида устувор миллий мақсадларга эришиш сари қатъият билан бориш ниятидадир. Ўзбек халқини инсониятнинг ягона оиласида осон бўлмаган, аммо буюк келажак кутаётганлигига ишончимиз комил.

Эътиборингиз учун ташаккур!

ТИЛ МАСЪУЛИЯТИНИ УНУТМАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида «Давлат тили тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Уни республика Бош вазири, мазкур комиссия раиси А. Муталов бошқарди.

Мажлисда комиссия муқаддам қабул қилган қарорларнинг ижроси, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигида «Давлат тили тўғрисида»ги қонун ва уни амалга ошириш бўйича давлат дастури қандай бажарилаётгани муҳокама этилди.

Комиссиянинг шу йил 1 июлдаги мажлисида «Тошкент трактор заводи»да давлат тили тўғрисидаги қонунни амалга ошириш борасида талай камчиликлар борлиги қайд этилган ва тегишли қарор қабул қилинган эди. Ўтган вақт мобайнида ана шу қарорни бажариш юзасидан бир мунча тадбирлар кўрилган. Хусусан, корхонада умрини яшаб бўлган шиорлар ўрнига янги, республика мустақиллигини акс эттирувчи, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини тарғиб қилувчи, миллатлараро дўстлик ва тотувликка даъват этувчи алвонлар ўрнатилган. Сентябрь ойидан бошлаб 13 гуруҳда русийзабон ишчи ва хизматчилар давлат тилини ўрганмоқда. Ўзбек тилида иш юритишни йўлга қўйиш мақсадида корхона шароитига мослаштирилган иш қоғозлари намуналари ишлаб чиқилди. Корхонада «Давлат тили тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш маркази тузилиб, унда 5 нафар малакали мутахассис фаолият кўрсатмоқда.

Республика Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигида давлат тилини жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги ахборот ҳам тингланди.

— Давлат тили ҳақидаги қонунни ҳаётга татбиқ этиш учун белгиланган муддат етарлидир, — деди комиссия раиси А. Муталов мажлисни якунлар экан. — Биз бунда ҳеч кимнинг ҳуқуқини камситмасликни, нафсониятига тегмасликни, балки давлат тилини эгаллаш учун вақт ва шароит яратиб беришни назарда тутганмиз. Ана шу муддатнинг ярми ўтди. Лекин айрим вазирлик, корхона, ташкилот раҳбарлари бу масъулиятли ишга бепарволик билан ёндашмоқдалар. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Вақтни бой бермайлик.

Комиссия муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

Мажлисда Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев қатнашди.

(ЎзА).

Э Ъ З О З

(Боши 1-бетда.)

байрам билан қизғин қутлади, уларнинг шарафли меҳнати мустақил Ўзбекистон раҳбарияти томонидан юксак қадрланаётганини алоҳида қайд этди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармонини ўқиб эшиттирди.

Зал бўйлаб гулдурос қарсаклар янгради. Бу тармоқ ходимларига катта ғамхўрлик кўрсатаётган Ўзбекистон раҳбариятига чуқур миннатдорчилик ифодаси эди.

— Президентимизнинг бу Фармони ҳам мустақил Ўзбекистон раҳбариятининг халқ таълимига юксак эътиборининг яна бир ёрқин далилидир, — деди нотиқ. — Бундай ғамхўрликларга жавобан кўпмингкишилик ўқитувчи-устоз, мураббийлар ислоҳотлар стратегиясини амалга оширишда узлуксиз устивор йўналишдаги бош вазифаларни оғишмай амалга оширадилар, бутун куч-ғайратларини келажаги буюк давлатнинг муносиб фуқароларини камол топтиришга бахш этадилар.

Вазир халқ таълими тизимидаги кейинги йилларда юз берган туб ўзгаришлар ҳақида, бу янгиланишларда ўқитувчиларнинг изланишлари, ижодкорликлари, таълим сифатини оширишдаги фидокорликлари хусусида батафсил тўхталиб ўтди ва халқ таълими ходимларига Ватан олдидаги эзгу ва шарафли фаолиятларида янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Тантанали кечада сўзга чиққан таниқли муаллимлар, профессор-ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари она Ўзбекистонимизда миллий мактаб қиёфасини шакллантиришга, таълим-тарбиядаги миллий ва жаҳон педагогикаси ютуқларига асосланган янги усулларни қўллашга, ижодкорликни авж олдиришга, Ватаннинг билимдон, маданиятли фуқароларини камол топтиришга муносиб ҳисса қўшажакларини ишонч билан баён этишди ва халқ таълимига катта ғамхўрлик учун мустақил Ўзбекистон раҳбариятига ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Тантанали кечада халқ таълими ходимларидан катта гуруҳига Республика ҳукумати, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, Республика халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг мукофотлари топширилди.

Кеча сўнгида халқ таълими тизимидаги бадиий ҳаваскорлик жамоалари байрам концертини намойиш қилишди.

Мухбиримиз.



Риштон туманидаги 16-мактабга директорлик қилиш баробарида ўқувчиларга ардоқли, мураккаб масалаларни ечишни ўргатиб келаётган Сулаймонхўжа Султонов ўз тақдиридан мамнун. Негаки, инсон ўз умри давомида элига — халқига қилган хизмати билан қадрли.

Суратда: С. СУЛТОНОВ.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ЖАСУРНИНГ ЖАСОРАТИ

Яқинда тест-синови натижалари эълон қилинди. Ўқишга қабул қилинганларнинг юзларида олам-олам қувонч. «Тестни ўйлаб топганнинг отасига раҳмат», — дейишмоқда. Тўғри-да, ҳеч бир таниш-билишсиз ўз кучига ишонганлар талаба бўлишди-да! Зеро, «танишсиз ўқишга киролмайсан», фикри миямизга ўрнашиб қолганди, энди шу нарсага барҳам берилди. Яқинда тест усулида имтиҳон топшириб энг юқори балл тўплаган бир йигит билан танишиб қолдим. Жасур Абдураззоқов Самарқанд вилояти, Челак туманидан экан. Шу йил у Тошкент давлат молия институтининг ҳисоб-иқтисод куллиётига ҳужжат топшириб тест-синовларида 258,4 балл тўплади. Кириш бали ўртача 175 ни ташкил этганлиги ҳаммага маълум. Жасур эса билим жиҳатидан ҳам жасур эканлигини кўрсатди.

Мен Жасурнинг мактабда қандай ўқиганлиги билан қизиқдим. Оддий ўқитувчининг фарзанди бўлган Жасур ёшлигидан аниқ фанларга, хусусан, математикага қизиқарди. Отаси Абдунасим ака илм-фанни қадрлайдиган одам экан. Шу боис ўғлини пойтахтдаги С. Сирожиддинов номли физика ва математикани чуқур ўрганувчи мактаб-интернатга беради. (Ҳозир у лицей номини олган). Жасур бу ерда тиришқоқлик билан ўқиб, етарли билимни эгаллади. Натижаси эса маълум. Унинг айтишича, шу мактабда у билан бирга ўқиган йигирма нафар тенгдоши ҳам шу йил ўқишга киришишди.

Жасурнинг ҳаяжон билан сўзлаётган сўзларига, ишончу қувонч балқиб турган юзу кўзига боқиб, тест усулининг ҳалоллигига имон келтирдим.

Зокиржон ШАРИФ,
ТошДД журналистика куллиёти талиби.

ЯНГИ ТАШАББУС

Ҳамза тумани Янгиобод мавзесидаги «Наврўз» чойхонасида «Мактаб, оила, жамоатчилик» мавзусида маҳалла фаоллари, ўқитувчилар, кўп болали оталар ва оналарнинг биргаликдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ҳамза туман халқ таълими бўлими мудири Ислом Зокиров кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошевга сўз берди.

— Кейинги йилларда, — деди Ҳамидулла Қаюмович, — Ҳамза туман халқ таълимида ўқувчи-ёшларга таълим-тарбия беришда яхши анъаналар вужудга келди. Туман маорифчилари оила ва жамоатчилик билан яқиндан алоқа боғлаган. Туманда ўз севган касбларининг моҳир усталари етишиб чиққан.

Йиғилиш сўнгида кекса педагоглар, кўп болали оталар ва оналар шаҳар ҳамда туман ҳокимияти ва халқ таълимининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Қ. ТЎЛЕБОЕВ.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпелини босиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Рўзнома ва ойномага обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштиришганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан, шунингдек «Матбуот уюшмаси» жадвалидаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Манзилгоҳ ўзгартирилганида, ойларнинг катакларини ва «ПВ—ЖОЙИ» катакларини алоқа бўлими ва «Матбуот уюшмаси» ишчилари тўлдиришади.

Б-715—15.000.000—91 г.

«ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ» КЎРИК ТАНЛОВИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Шу йил ноябрь ойида ўтказиладиган республика «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловининг тавсияномаси «Маърифат» газетасининг ўтган сонларидан бирида эълон қилинганди. Бу танлов ўқитувчи касбининг нуфузини оширишга, ижодий ишловчи ва ўз касби устида изланувчиларни аниқлашга ҳамда илғор тажрибаларни оммалаштиришга хизмат қилади деган мақсад билан уни тўрт босқичда ўтказиш лозим топилди.

Ана шунга кўра, «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови қатнашчиларининг беллашуви қуйидаги шартлар асосида белгиланди:

1. Уйга вазифа:

1. Танловда иштирок этаётган ўқитувчи ҳақида видеофильм.

Ушбу ишларни амалга оширишда вилоят малака ошириш институтлари яқиндан ёрдам беришлари зарур. Шунингдек, танлов ғолиби иш тажрибасидан лавҳалар олиниб, илғор усуллари ҳам намоён қилинади, танлов ҳайъатига тақдим этилади, кейинчалик эса Халқ таълими тарихий музейига топширилади.

2. Низомда кўзда тутилган қуйидаги ёзма топшириқлар асосида қатнашчиларнинг ўзлари тайёрлаган реферат, маъруза, ўқув-методик қўлланма, дарс ишланмаси дастурлар ва турли хилдаги кўргазмали қуроллар баҳс арафасида ташкил қилинадиган «Ким ошди» очиқ савдосига тақдим қилиниб, олинган маблағ муаллифларга рағбатлантириш учун топширилади:

1. Республикамизга хос янги хилдаги мактаблар ҳақида тасаввурим;

2. иш тажрибалари ва маҳаллий материаллар асосида янги авлод дарсликларини яратиш ҳақидаги тасаввурим;

3. таълимнинг давлат стандарти ҳақидаги фикр ва таклифларим;

4. таянч ўқув режалари (интеграллаштирилган) ҳақида тасаввурим;

5. мавжуд дастур ва дарсликлар тўғрисидаги фикрим ва таклифим;

6. замонавий дарс ҳақида менинг тасаввурим;

7. дарс жараёнида халқ педагогикасидан фойдаланиш услубим;

8. миллий ва ахлоқий тарбияни олиб боришда ҳаётий тажрибам;

9. ўқувчингиз қора курсида, сиз уни қандай ҳимоя қиласиз?

10. экологик тарбияни дарс жараёнида қўллаш услубим;

11. иқтисодий тарбия давр талаби, тарбияга муносабатим;

12. ўқувчимни олимпиадага тайёрлашда педагогик маҳоратим;

13. синфда энг бўш ўқувчи билан ишлаш услубим;

14. ҳаётимда энг бахтиёрлик даврим.

3. Ўз-ўзини таништириш.

Ҳар бир қатнашчи сурати ёпиштирилган оқ қоғозга эстетик дид билан ишланган таржимаи ҳолини ҳайъат раисига топширади (бир варақ ҳажмда).

Меҳмонлар қатнашчилар билан ёзма маълумотларга кўра танишадилар.

II. Педагогик маҳоратни намоён қилиш.

4. Бириктирилган мактабларда очиқ дарслар.

III. Иш тажрибасини оммалаштириш.

5. Туман методик бирлашмалари аъзолари билан учрашувлар уюштириш. Олиб келинган видеофильмни намойиш қилиш.

IV. ҒОЛИБЛАР МАЙДОНИДА БЕЛЛАШУВ.

1. Маънавий меросимиз: донолар бисотидан.

Донолар доноси, яъни даврабоши китоб кўриб, 2 тадан сўз беради; қатнашувчилар уларни шарҳлайдилар, келиб чиқиши, нимани билдириши ҳақида изоҳ берадилар, фразеологик бирикмалар тузишади.

2. Педагог — келажак бунёдкори.

Танлов қатнашчиларининг ҳар бирига алоҳида кубиклар берилади. Бу кубикларда педагогик жараёнга таллуқли сўзлар ёзилган бўлиб, иштирокчилар улардан «Халқ таълими тизими»ни қуриб беришлари керак.

Қатнашчиларнинг бу масалага ёндашувига қараб, қурилма турлича бўлиши мумкин.

3. Миллий амалий санъатимиз тарихидан.

Миллий-амалий санъат намуналари, урф-одатлар билан боғлиқ бўлган бу топшириқда қадимий буюмлар, нарсалар қўйилади, унинг номи, тарихи, манзили, вазифаси айтилиб, ўша буюм билан боғлиқ ривоят мисол қилиб келтирилади.

4. Кунлардан бир кун...

Қатнашчилар ўз иш тажрибасида рўй берган жумбоқли педагогик вазиятни театрлашган усулда ифодалаб берадилар.

5. Эркин тема.

Мусиқий, бадиий ҳамда ҳунармандчилик маҳоратлари намойиш этилади.

Кўрик-танлов иштирокчиларини 15 ноябрь куни «Ғолиблар майдони» кутади.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ: ушбу танловни ўтказишдан кўзланган мақсад, ўқитувчидек шарафли касбнинг нуфузини янада ошириш, таълим муассасаларида, илмгоҳларда билимдон, ижодкор ўқитувчилар сафини янада кенгайтиришдан иборатдир. Эзгулик йўлида, келажак авлод баркамоллиги йўлида ушбу хайрли ишга қўл урилаётган экан, «Йил ўқитувчиси» танловига ҳомийлик қилишга мойил бўлган ҳар бир олиҳиммат ташкилот, корхона, ширкат ёки муассаса кўрик-танловнинг кўнгилдагидек ўтишида яқиндан ёрдам беришларига ишонамиз.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА.

НУР УСТИГА АЪЛО НУР

Халқимизда устоз — ўқитувчи ҳамиша эъзозлаб керинган. Республикамизнинг мустақилликка эришуви туфайли ўқитувчи обрўсини оширишга янада эътибор кучайди. Маърифат масканларига ёш авлод тарбияси йўлида фидойилик қилган ўқитувчилар номи берилиши бунинг яққол ифодаси сифатида жамоатчиликни мамнун этмоқда.

Ўтган якшанба кўни Чилонзор туманининг Ал-Хоразмий даҳасидаги 281-мактабга Катта Қаҳни маҳалласида фаолият кўрсатган фидойи ўқитувчиси Саъдулла Иноғомов номи берилиши муносабати билан тантанали маросим ўтказилиб, устоз-педагог руҳи шод этилди.

Маросимда «Қизил Шарқ» маҳалла қўмитаси раиси М. Мансуров, Тошкент давлат университети профессори А. Ҳомидхўжаев, шоир Йўлдош Эшбек, Тошкент шаҳар ҳокимининг муовини Ш. Жалилов, мактаб директори А. Гуреева, Акмал Икромов туманидаги 229-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси А. Ҳайдаров, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий ва бошқалар сўзга чиқишиб, салкам қирқ йиллик ҳаётини мактабга бағишлаган камтарин ва ҳалол устоз ҳақида дил сўзларини айтишиб, мазкур илм масканида тарбияланувчилар эл-юртга садоқат билан хизмат қилувчи муносиб издошлар бўлиб етишишларига ишонч билдиришди.

Тантанали маросим Ўқитувчилар кунига тўғри келганлиги нур устига аъло нур бўлди.

Мухбиримиз.

46-ҳунар-техника билим юрти пойтахтнинг Себзор даҳасида жойлашган. Узоқ йиллардан буён бу маскандан кўплаб қиз-жувонлар тикиш-бичиш касбини олиб, ишлаб чиқариш фаоллари қаторига қўшилишмоқда.

— Республикамиздаги машҳур «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз, — дейди ўқув ишлари бўйича билим юрти директори ўринбосари Вазирахон Содиқова. — Ҳозирда 15 нафар ўқитувчи, 36 нафар ишлаб чиқариш усталари талабаларга илм ҳамда ҳунар ўргатиш билан машғул. Қизларимизнинг кўйлак, юбка, жемпер каби кийимларни бичиш, тикиш ва тўқишга қўллари келишиб қолган.

Суратларда: билим юрти ҳаётидан лавҳалар.

Сураткаш Шоназар ИБРОҲИМОВ.

КУТИЛМАГАН ВАЗИЯТЛАР КЎП БЎЛДИ

Яқинда Мирзо Улуғбек тумани муаллимларининг «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда 49-мактаб тарих фани ўқитувчиси Ҳалим Рафиқов, 99-билим даргоҳининг рус тили фани муаллимаси Наврўза Шодмонова, 148-илм даргоҳи бошланғич синф муаллимаси Гавҳар Ускенбоева, 222-мактабнинг математика ўқитувчиси Эгамберди Ҳусанов, 241-илм маскани физика ўқитувчиси Роза Хўжаева ҳамда 279-мактаб ўзбек тили ва адабиёт фани муаллимаси Зарифа Исмоиловалар иштирок этишди.

Танловда иштирокчилар «Танишув варақаси», «Ижодий иш», «Юз минг савол», «Мўъжизасиз мўъжизалар» деб номланган топшириқ саволларига зукколик билан жавоб топишга ҳаракат қилдилар.

Биринчи шарт юзасидан танлов даъвогарлари қайтарган жавоблар баҳоси сарҳисоб қилинганда, физика илми билимдони Розахон Хўжаева кўрик-танлов ғолибаси бўлади, деб ўйлаган эдик. Чунки Р. Хўжаева таништирув варақаси шартини ўқувчилари иштирокида чинакам қиёмига етказиб ижро этдики, ҳакамлар ҳайъати унга энг юқори 4,6 балл баҳо қўйди. Таништирув чоғида улар физика қонуниятларини, адабиёт дарслари ифодаларини, ашула машғулотлари нозикликларини уйғунлаштириб, йиғилганлар эътиборига етказа билдилар.

Афсуски, «Юз минг савол» топшириғи жавобига келганда, Р. Хўжаева бироз шошиб хатоликка йўл қўйди. Ваҳоланки, муаллима Тошкентнинг 12 та дарвозаси бўлгани, улар Қўймас, Қўқон, Қашқар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чиғатой, Кўкча, Самарқанд, Камалон, Бешёғоч номлари билан юритилгани ҳақида маълумот бериб, дарвозаларнинг қаерда жойлашганини айтиб ўтирмай вазиятдан чиқиб кетмоғи лозим эди.

Дастлабки топшириқ бўйича 4,4 баллга эга бўлган 279-мактаб ўқитувчиси Зарифа Исмоилова «Усмон Носир ҳаёти» ижодий иши ҳимояси билан беллашув жиловини ўз қўлига олди. Айниқса, Усмон ва унинг онаси монологи ижроси ҳамда шоир шеърларидан парчалар ўқилиши томошабинларни ҳаяжонлантирмай қўймади. Шунингдек, З. Исмоиловнинг «Нон — азиз неъмат», «Ўзбекистон — Ватаним менинг», «Она тилим — жону дилим», «Яхши сўз — жон озиғи» каби иш тажрибалари баёни ҳам йиғилганларда илиқ таассуротлар уйғотди.

Математика ўқитувчиси Эгамберди Ҳусанов ижодий иш ҳимоясида ҳам риёзиёт, ҳам тарбия мавзуига қўл урди. Ҳимояси сўнггида у ўқувчилари билан «Е алҳазар, гўдак йиғлар» саҳнасини қўйиб, барча-барчани болаларни севишга чақирди.

Ижодий ҳимояда муаллимлар математикани шеъриятга, мусиқага, «Одобнома» дарсларига боғлаб олиб бориш, мусиқа машғулотларида тестларни қўллаш, расмларга қараб дарс ўтиш, бошланғич синфларда фанлараро боғланишни йўлга қўйиш, юқори синфларда ўқувчиларни табақалаб ўқитиш лозимлиги хусусида таҳлилий фикр юритдилар.

Учинчи топшириқ шартлари ҳам тўлиқ уддаланди.

«Мўъжизасиз мўъжизалар» шарти юзасидан иштирокчиларнинг иккинчи истеъдоди намоён бўлди. Иқтисодиёт масалаларига ижобий ёндашаётган, боғбонлик касби билан шуғулланиб, бозорларимизни тўлдиришга ҳисса қўшаётган педагог У. Тошбеков хизматларига юқори баҳо берилди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, Зарифа Исмоилова биринчи, Эгамберди Ҳусанов иккинчи, Улуғбек Тошбеков учинчи ўринни эгаллашди. Кўрик ҳомийлари — Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти, халқ таълими бўлими ҳамда касаба уюшмаси ғолибларни 30000, 20000, 15000 сўм миқдоридаги пул билан тақдирладилар. Қолган иштирокчилар ҳам рағбатлантирилди.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

Расмий бўлим

ПЕДАГОГ СИНОВДАН ЎТАДИ

Маълумки, педагогик ходимларнинг сўнгги аттестацияси 1991 йилда ўтказилган эди. Бу навбатдан ташқари тадбир бўлиб, педгогларга лозим тоифалар белгилаш, иш ҳақларини табақалаштириш кўзда тутилган эди. Натижада ўқитувчилар, тарбиячилар ва бошқа педагог ходимлар иш натижаларига кўра, ҳақ олиш имкониятига эга бўлдилар. Навбатдан ташқари ўтказилган аттестация, агар педагог ўқув-тарбия жараёнида яхши натижаларга эришган бўлса, меҳнати эътиборсиз қолиб кетмаслигини амалда исботлаб берди. Бу эса педагогларни ўқув-тарбия савиясини янги поғонага кўтаришга даъват этди.

Ўтган икки йил давомида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва республика ҳукумати педагог ходимларнинг ижтимоий шароитларини янада яхшилашга қаратилган бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилдилар. Имтиёзлар жорий этилди, иш ҳақлари оширилди, барча турдаги мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, олий ва ўрта махсус педагогика ўқув муассасалари педагогик ходимлари битим шаклида меҳнат шартномаси тузиш йўлга қўйилди. «Таълим тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Президентимизнинг 1993 йил 1 октябрдаги Фармонига биноан октябрь ойининг биринчи якшанбаси «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ходимлари куни» деб эълон қилинди. Ана шу асосларда иш юритаётган мураббийларимиз касб-кор маҳоратларини ошириш устида изланмоқдалар. Бу шарт-шароитлар, ўз навбатида, халқ таълими бошқарув ташкилотлари зиммасига педагогларнинг касб-корлик, илмий-назарий, методик тайёргарликларини мунтазам равишда ҳаққоний баҳолаш вазифасини юклади. Бинобарин, «Ўзбекистон Республикаси давлат таълим муассасаларида педагог ходимларни аттестациядан ўтказиш тўғрисида» Низом ишлаб чиқилди.

Мазкур Низом Вазирлар Маҳкамасининг 12 августдаги қарори билан мустақиллигимизнинг икки йиллиги байрами арафасида тасдиқланганлиги ўзига хос рамзий маънога эга. Низомда навбатдан ташқари ўтказилган аттестация якунларига кўра, ўқитувчилар билдирган таклиф ва мулоҳазалар акс этган, педагогик ходимларнинг алоҳида гуруҳлари билан битим шаклида меҳнат шартномаси тузишга ўтиш ҳам инобатга олинган. Аттестация тўғрисидаги мазкур Низом «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталарининг 25, 31 август сонларида эълон қилинди. Ўйлаймизки, газетхонлар Низом билан яхши таниш. Бинобарин, Низом мазмунини бошдан-оёқ қайта баён қилиб ўтирмасдан, аттестацияни ўтказиш тартиблари, муддатлари ва вазифаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Аттестацияни ўтказишдан мақсад педагогик ходимларнинг касб-корлик савияси ва меҳнат натижаларини ҳолис баҳолаш, таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришдир. Боғчадан тортиб ўрта махсус ўқув юртларигача бўлган барча таълим муассасаларининг педагог ходимлари аттестациядан ўтишлари лозим. Булар — ўқитувчилар ва тарбиячилар, дефектологлар ва логопедлар, концертмейстрлар ва музика раҳбарлари, ишлаб чиқариш таълимининг ўқитувчилари ва усталари, етакчилар ва жисмоний тарбия йўриқчилари, руҳшуносларнинг, ижтимоий педагоглар, педагог ташкилотчилар ва тўгарак раҳбарлари туман (шаҳар), ўрта махсус ўқув юртлари, халқ таълими бўлимлари, малака ошириш институтлари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар методик хоналарининг методистлари (тарбиячи-методистлари) ҳам аттестациядан ўтадилар.

Аттестация қачон бошланади, уни қандай ўтказиш керак?

Ҳукумат қарорини бажариш юзасидан Халқ таълими вазирлиги 1993 йил 6 сентябрда чиқарган буйруқда аттестациядан ўтказишга тайёргарлик кўришнинг аниқ муддатлари белгиланган.

Тайёргарликнинг биринчи босқичида ҳар бир муассаса раҳбари ва педагог Низомни атрофлича ўрганиб чиқиши ва шундан кейин жойларда аттестация ва экспертиза комиссиялари тузилиши лозим.

Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, аттестация комиссияси барча давлат таълим муассасаларида тузилади. Комиссия сони, таркиби, ваколат муддатини муассаса раҳбари касаба уюшмаси комитети билан ҳамкорликда белгилайди ва педагогик кенгашда тасдиқлайди. Комиссия таркибига мутахассис экспертлар, албатта, киритилиши лозим. Булар ўқитувчилар методик бирлашмаси раҳбари ёки аъзолари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг методистлари, инспекторлари, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари ёки педагогика олий, ўрта махсус ўқув юртларининг ходимлари бўлиши мумкин. Навбатдаги аттестациянинг муҳим жиҳатларидан бири — аттестация комиссияси ваколати кенгайтирилди. Мисол учун, 1991 йилда ўтказилган навбатдан ташқари аттестацияда муассасаларнинг аттестация комиссиялари ўз ходимларига олий тоифа бериш ҳақида фақат таклиф киритган, бу вазифани эса юқори ташкилот комиссияси ҳал қилган эди. Энди барча тоифа ва разрядларни уларнинг ўзлари тасдиқлайдилар. Демак, баҳо беришда холисликни таъминлаш, аттестация ўтказиш тартибларига қатъий амал қилиш учун, аввалдан ҳар бир тоифа, разряд ва мутахассислар гуруҳи бўйича малака ва маҳорат мезонини аниқ ишлаб чиқиш шарт. Шуни айтиш керакки, вазирликда муассасаларнинг раҳбарларига ёрдам тариқасида педагог ходимлар гуруҳлари учун малака ва маҳорат мезони ишлаб чиқилди, тасдиқланди ва жойларга юборилди. Бу асос бўлиб хизмат қилади. Албатта, жойларда ҳар бир таълим ва педагог ихтисослигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, унга айрим қўшимчалар киритиш мумкин.

Шундай қилиб, қандай ўтказиш, ўтказиш тартиби ва муддатини аттестация комиссияларининг ўзлари аниқлайдилар, ўзлари қарор чиқарадилар.

Ҳар хил ҳолатлар бўлиши мумкин. Дейлик, аттестация комиссияси аниқ бир хулосага кела олмади, ёки аттестациядан ўтаётган шахс комиссия хулосасидан норози. Нима қилиш керак? Бундай ҳолда улар хулосасининг тўғри ё нотўғри эканлигини туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси қошида тузилган эксперт комиссиялари аниқлайдилар. Аризачи фақат аттестация комиссияси кенгашган кундан бошлаб. 10 кун ичида эксперт комиссиясига мурожаат қилиши лозим.

Хўш, комиссия тузилди. Ишни нимадан бошлаш ва қандай ўтказиш лозим?

Аттестация даврийлиги қуйидагича: болалар мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларнинг педагогик ходимлари учун уч йилда камида бир марта; барча турдаги умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртлари учун беш йилда бир марта.

Аттестация тўғрисидаги Низом мустақил Ўзбекистон педагог ходимлари фаолиятини баҳолаш бўйича биринчи ҳужжатдир. Шунинг учун ҳам ким, қачон аттестациядан ўтганлигидан қатъи назар аттестация барча учун баробардир. Аттестацияни 1993 йил октябрдан бошланди деб ҳисоблаш керак. Аттестациянинг бошланиши ва ўтказилиш тартибларини аниқ белгилаш учун эса аттестация комиссияларининг иш жадвалини ишлаб чиқиш лозим.

Жадвал тузишда қуйидагиларга эътибор беришни тавсия қиламиз:

1. Мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар

Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ва халқ таълими вилоят бошқармалари аттестацияни ташкил этиш ва ўтказишнинг аслан турли хил йўллари борлигини назарда тутишлари лозим.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги аттестацияни ҳамма жойда, барча туманлар, шаҳарлар, муассасаларда ҳозирданоқ ўтказишни тавсия этади.

2. Барча турдаги умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус педагогика ўқув юртлари

Бироқ мазкур ўқув муассасаларида аттестациянинг аниқ муддатларини белгилашда бошқачароқ йўл тутиш лозим бўлади. Биз аттестацияни битим муддати тугашидан икки ой олдин ўтказишни тавсия этамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Битим узайтириладиган бўлса, тайёргарлик кўриш учун маълум вақт керак. Аттестациядан ўтувчи билан меҳнат шартномаси тугатилган тақдирда эса унинг учун бошқа иш топиш имконияти яратилади.

Мисол учун, умумтаълим мактабларини олайлик:

— математика ўқитувчиси билан битим 1993 йил май ойида 1,5 йилга тузилган. Демак, у қайта аттестациядан 1994 йилнинг сентябрь ойида ўтиши керак ва ҳоказо.

Барча таълим муассасаларида истисносиз тарзда аттестациядан ўтказиш муддатларини тасдиқлашда узоқ муддатли даволанишда бўлган ходимларни, ҳомиладорлик ва фарзанд кўриш таътилида бўлган аёлларни улар ишга чиққанларидан тўлиқ бир йил ўтгач, ёш мутахассисларни эса улар билан ишлаш юзасидан шартнома тузилгандан бир йилдан сўнг аттестация қилиниши ҳисобга олиниши зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, агар педагог ўз устида қунт билан ишласа, касб-корлик маҳоратини ошириб борса ва навбатдаги тоифани олишга ўзини тайёр деб ҳисобласа, бундай ҳолда у битим муддати тугашини кутиб ўтирмай, аттестациядан ўтувчилар рўйҳатига қўшишларини сўраб комиссияга ариза бериши мумкин. Муассаса маъмурияти методик бирлашма (педагогик кенгаш) фикри асосида уни аттестациядан ўтувчилар рўйҳатига киритиш ҳақида қарор қабул қилади. Комиссия эса унинг фаолиятига оид таҳлиллар, ҳаққоний маълумотларга биноан навбатдаги тоифа бериш юзасидан қарор чиқаради. Шундан сўнг «Ўзбекистон Республикаси давлат олий, ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари ва умумтаълим мактабларининг педагогик ходимлари билан битим шаклида меҳнат шартномалари тузиш тўғрисида»ги Низомнинг 8, 10 бандларига кўра, томонлар келишувига биноан битимнинг тегишли жадвалига ходимнинг янги лавозимга тайинланиши ва иш ҳақи миқдори ҳақидаги ёзувлар қайд этилади.

Навбатдан ташқари аттестация қуйидаги асослар мавжуд бўлганида ўтказилади: навбатдаги аттестациядан буён тўлиқ бир йил ўтган бўлса; педагогнинг лавозимдаги иш стажи 3—5 йилдан иборат бўлса. Яъни, ходим ҳар бир тоифа ва мутахассислик учун малака ва маҳорат мезони талабларида кўзда тутилган иш стажига ҳам эга бўлиши зарур. Навбатдан ташқари аттестация агар ходим илгари белгиланган даража талабларига жавоб бермаса, ўқув юрти маъмуриятининг ташаббусига биноан белгиланиши ҳам мумкин. Бунда ходимни аттестациядан ўтказиш, битимни ўзгартириш аввалги ҳолдагидек амалга оширилади.

Аттестациядан ўтувчилар аттестация муддати ва шартлари ҳақида бир ой олдин хабардор қилинадилар.

Педагогларни аттестациядан ўтказишда малака ва маҳорат мезони талаблари билан бир қаторда қуйидагилар ҳам инобатга олиниши, лозим: аввалги аттестация хулосаси ва қарори; педагогнинг ўқувчилар, ҳамкасблари, ота-оналар ўртасидаги обрў-эътибори; маъмурият ва меҳнат жамоасининг тавсифномаси, таклифлари; педагогнинг методик ва тажриба-синов ишларидаги иштироки, тадқиқотлари.

Вазирлик ходимлари шу кунгача жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида бўлишиб, аттестация бўйича семинар кенгашлар ўтказишди. Қуйида семинар-кенгашларда бўлиб ўтган савол-жавобларнинг умумий кўринишдаги айримларини кўпчилик эътиборига ҳавола қилишни маъқул кўрдик.

— Педагоглари ҳатто ўн кишидан ошмайдиган умумтаълим мактаблари, худди шундай кам сонли туман, шаҳар методик хоналари бор. Бундай ҳолларда нима қилиш керак?

— Туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари эксперт комиссияларига мазкур жойларда аттестация ўтказиш учун рухсат берилиши мумкин.

— Аттестациядан ўтаётган педагогнинг мутахассислиги у дарс бераётган фанга мувофиқ бўлмаган ҳолларда қандай иш тутиш лозим?

— Педагог ходим, қатъий тартибда, қайси фандан дарс бераётган бўлса, шу фан бўйича аттестациядан ўтказилиши лозим. Мисол учун, математика ўқитувчиси физикадан, тил ва адабиёт ўқитувчиси бошланғич синфга дарс бериб келяпти. Агар уларнинг фаолияти малака ва маҳорат мезони талабларига тўлиқ жавоб берса, физика ўқитувчиси ёки бошланғич синф ўқитувчиси сифатида навбатдаги тоифа белгиланади.

— Ярим ставка тарбиячилик қилаётган ўқитувчи қайси мутахассислик бўйича аттестациядан ўтади?

— Ҳам ўқитувчи, ҳам тарбиячи сифатида. Математика ва физикадан дарс бераётган ўқитувчилар ҳам ҳар икки соҳа бўйича аттестациядан ўтадилар.

Мақола сўнгида шуни қайта ва қайта таъкидлаш лозимки, давлат аҳамиятига молик бу муҳим тадбир таълим муассасалари раҳбарлари, аттестация ва эксперт комиссиялари зиммаларига, ниҳоятда катта масъулият юклайди. Аттестация ўқитувчиларнинг касб-корлик маҳоратларини синовдан ўтказиш билан бир қаторда халқ таълими тизимидаги раҳбар ходимларнинг ҳаққонийлик ва ҳалоллик фазилатларини ҳам имтиҳон қилади. Шундай экан, вилоят, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ва уларнинг эксперт комиссиялари аттестация комиссиялари фаолиятлари устидан қатъий назорат ўрнатишлари, педагогларнинг навбатдаги тоифаларини аниқлашда, айниқса, олий ва биринчи тоифа белгилашда ноҳолисликка йўл қўймасликларини таъминлашлари лозим. Шунга эришиш керакки, олий ва биринчи тоифа ҳақиқий маънода билимдон, маҳоратли ва болажон педагогларга берилсин, уларда мустақил юртимизнинг баркамол фарзандларини тарбиялашдек шарафли вазифага янада юксак рағбат ва иштиёқ уйғотсин!

Ҳабибулла НУЪМОНОВ,
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги кадрлар бошқармасининг бошлиғи.

БЕЛЛАШУВ МАҲОРАТИ

Яқинда Қамаши туманида «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда тумандаги саксонга яқин илмгоҳлардан ўқитувчилар иштирок этишди. Белгиланган тартибга кўра, қатнашчилар бешта шартни бажардилар.

Жумладан, турли мактабларда мутахассислиги бўйича бир соатлик дарс ўтиш маҳорати, ўқувчиларга тест бўйича сабоқ бериш каби амалий ишлар бажарилди.

Танловда тумандаги 23-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси М. Тоштурдиева биринчи ўринни, Ғ. Ғулом номли мактаб ўқитувчиси О. Абдуллаева иккинчи, учинчи ўринни эса Беруний номли мактаб ўқитувчиси М. Раҳимқуловалар эгаллашди. Ғолиблар эсдалик совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

С. ОСТОНОВ.
Қашқадарё вилояти.

ЯХШИЛАР УМРИ БОҚИЙ

Шайхонтоҳур туманидаги 95-мактабда истибдод қурбони муаллим Илҳом Одилий хотирасига бағишланган кеча ўтказилди. Хотира кечасида Абдулла Қодирий вақфи Сузук ота маҳалласи аҳли, Илҳом Одилий (собиқ «Учқун») номли 95-мактабни битириб, академик, фан доктори даражасига етган зиёлилар, ушбу илм масканини турли йилларда тугатиб, меҳнат жабҳаларида фаоллик кўрсатаётган фидокорлар иштирок этишди.

Кечани мактаб директори Абдумалик Султонов очди. Сўнгра шу илм даргоҳининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Матлуба Акромова мураббийнинг ҳаёт йўлига атрофлича тўхталди.

Илҳом Одилий 1888 йил 26 февралда Тошкент шаҳридаги Бешёғоч даҳасига қарашли Чўлпон ота маҳалласида таваллуд топди. Дастлаб у амакиси Набихўжа мактабида савод чиқаргандан сўнг мадрасада таълим олди. 1908—1913 йиллари амакиси ёнида мактабдорлик билан машғул бўлди. Кейинчалик 8-рус-тузем мактабида, 1917-18 йилларда эса Хадрадаги икки синфли рус-тузем мактабида муаллим бўлиб ишлади.

1918—1924 йиллари Форобий номли илм даргоҳида раҳбар, 1924 йилдан эса Тошкентда махсус қурилган «Учқун» мактаби қурилишининг ташаббускори бўлди. Мактаб битгач, И. Одилий шу илм масканида илмий мудир вазифасида фаолият кўрсатди ва 1936 йилда «Меҳнат қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди. Лекин... 1937 йил 25 августда ҳибсга олиниб, 1942 йил 5 майда Ярославлдаги авахталардан бирида вафот этди. Ноҳақликнинг қурбони бўлган И. Одилий ўлимидан сўнг оқланди.

Кечада сўзга чиққанлар истибдод қурбони Илҳом Одилийнинг эзгу ишларини авлодлари давом эттирётгани, яхшиларнинг умри боқийлиги хусусида батафсил гапирдилар.

Маросимда Илҳом Одилийнинг қизи Башорат ая сўз олиб, хотира кечасининг ташкилотчиларига, иштирокчиларга, хусусан, кечани ўтказиш ташаббускори бўлган 40-мактабнинг тил ва адабиёт фани муаллими Назиржон Ҳожиматовга ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

Мухбиримиз.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Турдибой АБДУКАРИМОВ!

Сиз 20 йилдирки, ёш авлодга тарих фанидан сабоқ бериб, мактабда таълим-тарбия ишларини яхшилашда ҳалол меҳнат қилиб келмоқдасиз.

Навқирон 40 ёшингиз билан чин юракдан қутлаймиз. Сизга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, хотиржамлик ва эзгу ишларингизда омад тилаймиз.

ТОШКЕНТ ТУМАНИДАГИ 1-ЎРТА МАКТАБ ЖАМОАСИ.

Қадрли онажоним Султоной ХУШВОҚОВА!

Сиз 25 йилдирки, биз — жигаргўшаларингизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказиш билан бирга, Нарпай тумани Ғалаба жамоа хўжалигининг 1-бригадаси аҳли болалари бошини силаб, улар қалбини илм зиёси билан чароғон қилиб келмоқдасиз.

Туғилган кунингизни нишонлаётган ушбу кунларда узоқ Тошкентдан туриб Сизни қутлайман. Доимо бизнинг меҳрибонимиз, куюнчагимиз бўлиб юраверинг.

Тошкент давлат маданият институтининг II курс талиби — ўғлингиз ШУҲРАТЖОН.

Суюкли отажонимиз Маматқул ТУРАҚУЛОВ!

Азиз умрингизнинг салкам 50 йилини Қарши туманидаги мактабларда раҳбарлик қилиш ҳамда ўқувчиларга химия-биология фанидан дарс беришдек оғир ва шарафли ишга бағишладингиз. Бугунги кунда фахрия педагог бўлишингизга қарамай, ёш ўқитувчиларга таълим-тарбия соҳасида қимматли маслаҳатлар бериб бормоқдасиз. Сизни умрингиз фаслининг 70 баҳори билан чин дилдан қутлаймиз.

Бахтимизга ҳамиша соғ-саломат бўлинг, азиз отажон!

Фарзандларингиз: БАХТИЁР, ЗАМИРА, ЯЙРА, ҲАСАН, ҲУСАН, келинингиз МУҲАББАТ.

КЎНГИЛЛАРНИ ШОДЛАНТИРМОҚДА

Сўнгги йилларда давлат ва жамоа хўжаликларининг мактаблар қурилиши ва таъминотига алоҳида эътибор бераётганлиги кўнгилларни шодлантирмоқда.

Нуробод тумани халқ таълими бўлимига қарашли кўплаб мактабларга қўшимча бинолар қурилиб, ишга туширилганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Жумладан, 54-мактабда 320, 58-мактабда 320, 21-мактабда 240, 32-мактабда 180, 72-мактабда 240, 73-мактабда 240 ўринли синф хоналар янги ўқув йилидан ўз бағрига ўқувчиларни олди. Бу ишларни амалга оширишда мазкур мактаблар жойлашган давлат хўжаликлари ҳамда туман халқ таълими бўлимининг тубдан таъмирлаш учун ажратилган маблағларидан фойдаланилди.

Б. ЖУМАНОВ,
Самарқанд вилояти.

Дарсликларни варақлаганда

АМИР ТЕМУР ҚАНЧА ТОШ КЎТАРГАН?

ёхуд 2-синф «Ўқиш китоби» ҳақида мулоҳазалар

1 сентябрь арафасида иккинчи синфга борадиган кичик ўғлим мактабдан бир қучоқ китоблар билан қайтди. Янги китоблар олган ўғилчам шодлигининг чеки йўқ эди. Менинг ҳам, чунки шундай иқтисодий қийинчиликлар бўҳронида ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликлардан — бепул ўқиш, бепул китоб, бошланғич синфларда бепул овқатлантиришлардан биз отаоналар нега қувонмайлик?

Ўғлим олиб келган китобларни у билан биргаликда варақлай бошладик. Айниқса, ўқиш китобини синчиклаб қарар эканман, олдинги қувончларим аста-секин сўниб борди. Бунинг сабаблари бор, албатта. Келинг, ушбу китоб ҳақида батафсилроқ сўзлаб берай. Кундалик дафтар ҳажмидаги бежиримгина ушбу китоб муқовасига чиройли сурат чизилган, лекин муқова қоғози жуда ночор, муқова ичидаги варақлардан унчалик фарқ қилмайди.

Ўқиш китоби Ўткир Рашиднинг «Мактаб» шеъри билан очилади, иккинчи асар сифатида Пўлат Мўминнинг «Ассалом, мактабжоним!» шеъри берилган. Менимча, ана шу иккинчи шеър китоб очилишига биринчи бўлиб қўйилганда мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки шеърдаги «Ассалом» сўзидан ташқари мазмун ҳам бола қалбига яқин, мисралар равон, ёд олиниши осон.

Ўқиш китобининг бадиий безатилиши бугунги кун талабига, болалар дидига мос эмас — суратлар хира, рангсиз. Масалан, 103-бетдаги Ой ҳақидаги топишмоққа чизилган суратда оймома ёруғ юлдузлар орасида қорайиб кетган, бола тугул катта ёшдагилар ҳам Ойни ажратиб ололмайди. 7-бетдаги пиёз ва Қуёш ҳақидаги топишмоқлар қўшилиб кетган, бир-биридан ажратилмаган, қуёшнинг расми 8-бетда-ю, саволи 7-бетда. Топишмоқ саволлари ҳам қизиқ. Масалан, китобда шундай топишмоқ берилган: «Кетаверади, кетаверади, саватдек ерни эгаллайди». Агар топишмоқ қаршисига ит сурати чизилмаганда, бу топишмоқ жавобини ўта билағонлар ҳам топишга ожизлик қиларди.

Ўқувчи саводхонлигини оширишда ноёб манба бўлиши лозим бўлган (аслида дарсликнинг асосий мақсади шундай бўлиши керак) ўқиш китобида имло хатолар, ўқувчи ҳазм қилолмайдиган сўзлар қалашиб ётибди. Масалан, 6-бетда «Қўлсиз, оёқсиз гул солади» деган топишмоқ бор. Азаматларнинг топишмоққа шамолнинг расмини чиза олишмабдику-я, лекин «шамол» саволдаги «қўл»нинг «ў» ҳарфидаги белгини учириб кетибди. «Тулки ва Турна» эртагида (9-бет) «У (турна) қўлни алғов-далғов қилиб, бақаларни ин-инларига қувиб юборибди», деган гапда, ўқиб турганингиздек «қўл» сўзи «қўл» бўлиб кетган.

Китобнинг 12-бетидаги топшириқларда «Матн ичидаги баҳиллик ҳақидаги сўзларни топинг. Матн асосида расм чизинг» каби топшириқлар бор. «Матн» сўзини 2-синф ўқувчиси тушунармикан? Ундан кўра, «матн» ўрнига «ҳикоядаги», «масалдаги» каби сўзларни ишлатиб, топшириқ берилса мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳинд халқ ижодининг нодир намунаси «Калила ва Димна»дан келтирилган 11-бетдаги масал «Ўзбек халқ эртаклари ва масаллари»ни бобида берилишини кўриб эса, кишида қачондан бери бу масал ўзбек халқ ижоди намунаси бўлиб қолди экан, деган ҳақли савол туғилади.

Дарсликда исм ва фамилияларнинг берилишида ҳам турли хил камчилик, имло хатоларга йўл қўйилган. Масалан, «19-бетдаги «Меҳригиё» эртагида гоҳ «Луқмону Ҳаким», гоҳ «Луқмон Ҳаким» деб берилади. Бунинг ўрнига изофа билан «Луқмони Ҳаким» деб берилса ўринли бўларди. Унда шунга ўхшаш яна бир қатор камчиликлар учрайди.

Китоб мундарижасидаги сарлавҳалар ҳам саҳифалардагисига тўғри келмайди. Дарсликда исм-фамилияларни ёзишда ҳам чалкашликларга, ҳар хилликларга йўл қўйилган.

Муаллиф-тузувчилар рус халқ эртаги «Мақтанчоқ қуён»нинг тагига ҳам ўз номларини қўйиб юборавергани. Улардан бири болаларга эртак, ҳикоя ёзиш билан чегаралинбгина қолмасдан, «Ёр-ёр» ҳам битган. Беихтиёр шундай савол туғилади: Китоб муаллифлари дарсликдаги ўз ижод намуналарига исм-фамилия қўйишлари шартмиди? Бу биринчидан. Иккинчидан, наҳотки болалар адабиётимиз шу қадар камбағал бўлса?

Яна имло хатоларга қайтадиган бўлсак 44-бетда «Ҳикоя» сўзи «Ҳиқоя» бўлиб кетган. 108-бетда эса «жуда ҳориб қўлидан сув ичмоқчи бўлибди» деб ёзилган, ваҳоланки.... «қўлдан сув ичмоқчи бўлибди», деб ёзилиши керак эди. Шунингдек, унда «Лайлатурқадрдан емиш сўрадик» (89-бет) деган жумлани учратасиз. Кечаси билан Лайлатурқадрни (аслида «Лайлатулқадр» тарзида ёзилиши керак. Бу сўз таниқли олим Порсо Шамсиевнинг «Навоий асарлари луғати»да худди шундай келтирилган, шундай қўллашга ўрганганмиз) кутиб ўтирган ака-ука ўзлари учун «емиш» сўрайди, инсонга нисбатан «емиш» ноўрин, «емиш» кўпроқ ҳайвонларга нисбатан ишлатилади. «Емиш» сўзи «Меҳрли қиз» ҳикоясида ҳам (42-бет) худди шундай бир неча бор ноўрин ишлатилган.

Дарсликнинг 59-бетида антика ҳолга дуч келасиз: ўрдак, товуқ ва қарға сурати берилиб: ўқувчига шундай савол берилади: «Расмдаги қушлар ҳақида гапириб беринг». Энди ҳақли савол туғилади: қачондан бери ўрдак, хўроз ва товуқ қуш бўлиб қолди экан? Аслида расмлар орасида битта қуш сурати ёритилиб, «Расмларда қайси қушлар ифодаланган», деб савол берилишининг ўзи ноўрин.

Дарсликнинг 91-бетидаги «Табиатдаги қизиқ воқеа-ҳодисалар»да шундай мантиқий ғализликка дуч келасиз: «Маълумки, қоплон, ёввойи чўчқа ва маймунлар касалланиб қолса, бошқаларига ҳам юқади. Шундай пайтларда бўри, йўлбарс каби йиртқич ҳайвонлар уларни ейди». Наҳотки, бўри, йўлбарс қоплон гўштини еса?

«Буюк саркарда бобомиз» сарлавҳали ривоятда шундай дейилади: «У (Амир Темур) ўсмир ёшидаёқ оғирлиги 120 қадоқ тошни бемалол кўтариб машқ қилган». Дарсликда 1 қадоқ — 400 кг, деб изоҳ берилган. Бундан чиқди, соҳибқирон бобомиз 48 тонна тошни осмонга отиб ўйнатган экан-да! Ҳолбуки, бугунги кун ўлчови билан эса 1 қадоқ 405 граммдан сал ортиқдир.

Ривоятда «Амир Темур, Занги ота, Шаҳрисабз, Тошқўрғон, Самарқанд, Жиззах каби шаҳарларда бўлган» деган сатрларга ҳам дуч келасиз. Беихтиёр кишида «Занги ота шаҳарми, Тошқўрғон шаҳри қаерда?» деган савол туғилади. Бундан кўра, Дамашқ, Басра, Шероз, Ўтрор каби қадимий шаҳарлар саналгани маъқул эмасмиди?!

103-бетда «Бўлим юзасидан савол ва топшириқлар» ҳам кишини ҳайрон қолдиради. Масалан, «Бухоро ҳақида нималар билиб олдингиз? Самарқандда қандай тарихий жойлар бор?» Дарсликдаги бўлимнинг ўзида бу саволларга жавоб берилмаган. Боладан талаб қилиш осон, аввало, унга бу шаҳарлар ҳақида маълумот бериш керак эди.

Тўрт муаллиф ҳамкорлигида яратилган ушбу дарслик пайдо бўлгандан бери 6 марта қайта нашр қилинибди. Дарслик бугунги кун болаларида ватанпарварлик, инсоний туйғуларини қандай тарбиялашга хизмат қилишини кўпчилик ўқитувчилар айтишар, лекин бир нарса — 1993 йилда нашр этилган ушбу дарслик мустақил Ўзбекистон таълим-тарбия талабларига жавоб бермаслиги аниқдир.

Нормўмин ОЧИЛОВ,
Тошкент болалар тиббиёти институти, ўзбек тили кафедраси мудири.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Юртимиз мустақиллиги, миллий ўз-ўзини англаш ҳаётимизни янги маънолар билан бойитмоқда. Қалбимизга бой қадриятларимиз, бетимсол тарихий-маънавий бойликларимиз оқиб кирмоқда. Ҳаёт тарзимиз, қарашларимиз бошқача бугун. Фикримиз ўзгарди, ўзимиз ўзгардик. Демакки, қилаётган ишларимизни ҳам замон талаби даражасига кўтараётирмиз. Хусусан, халқ таълими тизимида ҳам янгиланиш кун сайин бўй кўрсатаётир, таълим мазмунида замон, тарих ва жаҳон фани ютуқлари уйғунлик касб этаётир.

Шундай ҳолат янгиланаётган дарсликлар, ўқув қўлланмалан мазмун мундарижасида ҳам акс этмоқда. Лекин бу жараён доимо бир текис кечаётгани йўқ. Тилшунос олим Нормўмин Очиловнинг эътиборингизга ҳавола этилган танқидий мақоласи бунинг далилидир. Ҳар қандай китоб маълум изланишлар, ижодий меҳнат маҳсули. 2-синф «Ўқиш китоби» ҳам бундан истисно эмас. Айни пайтда ҳар қандай китоб чуқур масъулият маҳсули ҳамки, мақола муаллифининг мазкур китоб ҳақидаги аниқ мисолларга асосланган фикрлари муаллиф-тузувчилар ва ноширларнинг ана шу борадаги эътиборсизликларини равшан кўрсатиб турибди.

Эҳтимол, бирон бадиий китобда юқоридагидек қусурлар бўлиши узрлидир, лекин ўқув қўлланмасидаги арзимас ноқислик, хато ва чалкашлик бир вақтнинг ўзида минглаб илмга ташна ёш кўнгилларда нотўғри тушунча уйғотиши мумкин. Шу боисдан бу жиддий эътибор-талаб масаладир. Мазкур мақолани эълон қилишдан мақсадимиз ҳам дарсликлар яратилишига даҳлдор мутахассислар диққатини масаланинг ана шу томонига қаратишдан иборат.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА

БАРЧА МАМНУН

Бухоро шаҳридаги ўн иккинчи ғишт заводига қарашли «Юлдузча» болалар боғчаси хушманзара жойда жойлашган. Боғча биносига кирар экансиз, баҳри дилингиз очилади. Ҳаммаёқ озода, ораста. Ҳар хил мевали ва манзарали дарахтлар... Ҳовли саҳнига сувлар сепилган. Ҳар куни эрталаб боғча мудираси Марям Кононенконинг ўзи ҳар бир боланинг исмини айтиб, ўзига хос меҳрибонлик билан кутиб олади. Болаларга бу ерда мусиқа илмидан дастлабки сабоқ берилади. Уларга ўзбек тили чуқур ва мукаммал ўргатилади. Ўзбек тилига давлат мақоми берилгач, бу ишга алоҳида эътибор кучайтирилди. Режали равишда ҳар хил эрталиклар ва бошқа тадбирларни ўтказиш кичкинтойлар масканида анъанавий одат тусига айланиб қолди. Тарбиячилардан Мақсад Тўхтаева, Рухсат Муродова, Мавжуда Қурбонова, Назира Бақоева, Моҳира Ашурова, Солиҳа Саидова ва бошқаларнинг ҳалол, беминнат хизматларию, ширин муомалаларидан ота-оналар ҳам, жажжиларнинг ўзлари ҳам мамнундирлар.

Ф. МУХТОРОВА.

БОҒЧАДА ТЕСТ СИНОВИ

Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани халқ таълими бўлимига қарашли 4-«Ғунча» болалар боғчасида туман мактабгача тарбия муассасаси ходимлари учун тест машғулоти ўтказилди.

Боғча мудираси Мўътабар Қодирова ва катта тарбиячи, халқ таълими аълочиси Замира Насриддиновалар тарбиячиларга тест машғулотларини ўтказишда яқиндан ёрдам бермоқдалар. Улар болалар боғчаси учун чиқарилган «Таҳсил дафтари»дан фойдаланиб «Ўйла, изла, топ» мавзуидаги математика машғулоти, «Гулла, яшна, мустақил Ўзбекистон» мавзуидаги одобнома машғулотларини тест усулида жорий қилдилар. Фикрлашга, ўйлашга ,тўғри жавобни тез топа олишни ўргатишга қаратилган «Ўйла, изла, топ» мавзуидаги математика машғулоти мусобақа тарзида, «Гулла, яшна, мустақил Ўзбекистон» мавзуидаги одобнома машғулоти эса давра суҳбати тарзида ўтказилди. Ўзбекистоннинг байроғи, рамзи, мадҳияси ҳақида Одобнома машғулотида болалар фикрлари аниқлаб олинди.

Бу йил туманнинг яна 3 та таянч боғчасида тест машғулотлари синовдан ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

О. ЖАМОЛИДДИНОВА.
Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти мактабгача тарбия педагогика кафедраси ўқитувчиси.

ТАБИАТ ОШИҒИ

Маматхон Маматшарипов янги очилган атиргулларга маҳлиё бўлиб, туриб қолди. Оқшомда энди лаб очаётган ғунчанинг туни билан гулбарглари ёзилиб, оч пушти рангда товланишидан завқланиб, бир-икки бор ҳидлаб, майин навдани қўйиб юборди... Уфқдан кўтарилаётган қуёш нурларида олмосдай товланаётган шудринг зарралари ҳар томонга сочилиб кетди...

Маматхон ёшлик чоғларидан табиатнинг мўъжизакор сирларини ўрганишга қизиқарди. Мактабда биология тўгарагининг фаол иштирокчиси бўлди. Ўн етти ёшидан меҳнат фаолиятини бошлади. Мана, ўн тўрт йилдирки, у Наманган вилоят ўқувчилар экологик табиатшунослар маркази директори. У директорлик лавозимигача ўқувчилар билан қанчадан-қанча кузатувлар, тажриба ишлари олиб бормади дейсиз. Айниқса, унинг тўгарак қатнашчилари билан зирани хонакилаштириш, яъни табиий шароитда ўстириш, биогомоснинг ўсимлик ҳосилдорлигига таъсири юзасидан олиб бораётган тажриба ишлари катта аҳамиятга эгадир.

Табиатшунослар марказида гулчилик, қуёнчилик, сабзавотчилик, уй паррандачилиги ва бошқа тўгаракларда 900 га яқин ўқувчи табиат сирларини ўрганмоқда.

— Ҳар бир болада табиатга қизиқиш бўлади, — дейди Маматхон ака. — Мен ўзим раҳбарлик қилаётган ўсимликшунослик тўгараги аъзолари билан тупроқ эрозияси ва унинг олдини олиш, ёввойи ўтларнинг зарари, уруғларни асраш, страфикация қилиш, саралаш сирларини ўрганиб бораман.

Очиқ майдонларда мева кўчатларини, иссиқхоналарда тувак гуллар ва бир йиллик гул кўчатларини етиштириб, болалар уйларига, боғча ва мактабларга тарқатамиз.

Наманганда гуллар байрамини ўтказиш анъанага айланган. Тўгарак аъзоларимиз кўргазмаларда фаол иштирок этиб келишмоқда.

Ҳа, Маматхон ака раҳбарлик қилаётган табиатшунослар маркази жамоаси болаларда она юртимиз жамолини яшнатишдек олижаноб ишга меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик ҳис-туйғуларини тарбияламоқда.



СУРАТДА: Маматхон МАМАТШАРИПОВ.
Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ МУАССАСАЛАРДА

ЯХШИ ДАМ—ЎҚИШГА ҲАМДАМ

Самарқанд шаҳридаги 59-ўрта махсус мактаб-интернатнинг раҳбарияти ва жамоатчилик ташкилотлари ўқувчиларнинг дарсдан бўш пайтларидаги дам олиш соатларини доимо кўнгилли ва хушчақчақ ташкил этишга астойдил ҳаракат қилиб келади. Улар билан турли хил кечалар, ҳар хил мавзуларда мунозаралар, спорт мусобақалари, китобхонлар конференциялари ўтказилади. Айниқса, кейинги пайтларда тарбияланувчилар шаҳардаги кино театрларда, Ҳ. Олимжон номидаги Самарқанд давлат драма театрида бўлишиб, қизиқарли томошалар кўришди.

Шунингдек, мактаб-интернатда олимлар, шоирлар, адиблар, мусаввирлар ҳамда бошқа касб эгалари билан учрашув кечалари ташкил этилиб турилибди. Яқинда бу ерда болаларнинг хотирасида бир умрга муҳрланиб қоладиган ажойиб бир воқеа содир бўлди. Улар эрта тонгдан кеч оқшомга қадар бир кун мобайнида Омонқўтон тоғларининг энг баланд тизмалари бағрида мароқли дам олиб қайтдилар.

Бу тадбирларни ўтказишнинг ўзи бўлмайди, улар пулни қаердан олишаркин, дея ажабланишингиз мумкин. Ажабланманг. Улар бунинг ҳам йўлини аллақачонлароқ излаб топишган. Мактаб-интернатнинг бошланғич синф ўқитувчиси Маҳмуд Мирзаевнинг елиб-югуриши, болаларга меҳрибонлиги туфайли ҳайрия йўли билан икки юз минг сўмдан зиёд пул тўпланди. Вилоят жамғарма банки бўлимида махсус ҳисоб-китоб рақами очилди. Бу маблағ фақат болалар учунгина ишлатилади. Узоқ туманлар ва вилоятлардан келиб, таълим-тарбия олаётган болаларга ёзги таътилда уйларига боришлари учун йўлкира ҳақлари берилади. Бу пуллар ташкилотлар, муассасалар, корхоналар ҳамда турли миллатлар ва ҳалқларнинг Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатиб келаётган миллий маданият марказлари саҳовати эвазига тўпланган.

Моҳир ташкилотчи, ишчан педагог ва ишбилармон мураббий Маҳмуд Мирзаевнинг ташаббуси билан яна бир яхши иш, яъни ушбу билим даргоҳининг талабалари Самарқанд шаҳридаги барча маданият ва истироҳат боғларида мавжуд бўлган дам олиш ҳамда техника воситаларидан текинга фойдаланиш йўлга қўйилди. Бундай ғамхўрликларнинг барчасидан, дам олиш, кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун яратиб берилган имкониятлар ва имтиёзлардан, шарт-шароитлардан талабалар беҳад даражада мамнун.

А. ҲАЙДАРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПЕДАГОГИКАСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҚУИИДАГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРИГА КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Ишчи ва мутахассисларни ҳунарга тайёрлашнинг умумий муаммолари» лабораторияси бўйича:

Лаборатория мудири (фан номзоди ёки директори) —1.
Бош илмий ходим (фан доктори) —3.
Етакчи илмий ходим (фан номзоди ёки доктори) — 3.
Катта илмий ходим (фан номзоди) — 3.
Илмий ходим — 3.
Кичик илмий ходим — 3.

«Ҳунар таълимининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари» лабораторияси бўйича:

Лаборатория мудири (фан номзоди ёки доктори) — 1.
Етакчи илмий ходим (фан номзоди ёки доктори) — 3.
Катта илмий ходим (фан номзоди) — 3.
Илмий ходим — 3.
Кичик илмий ходим — 2.

«Ишчиларни ҳунарга тайёрлаш методикаси» лабораторияси бўйича:

Лаборатория мудири (фан номзоди ёки доктори) — 1.
Бош илмий ходим (фан доктори) — 1.
Етакчи илмий ходим (фан номзоди ёки доктори) — 2.
Катта илмий ходим (фан номзоди) — 2.
Илмий ходим — 5.
Кичик илмий ходим — 2.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади:

МАНЗИЛИМИЗ: 700031, Тошкент ш., М. Мироқилов кўчаси, 57-а уй, тел: 55-75-71, 54-47-55, 55-72-14.

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси халқ таълими Бош бошқармаси Тошкент шаҳар 4-мактаб-интернат директори
Ғулом БАКИРОВ
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқлар дўстлиги орденли Низомий номли ТДПИ ректорати касаба уюшмаси, мусиқа-педагогика факультети мусиқа-тарбияси услубиёти кафедраси, шу кафедра катта ўқитувчиси Еделькина Нина Григорьевнага турмуш ўртоғи
Михаил Эдуардович МАТАТОВ
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси халқ таълими Бош бошқармаси ҳузуридаги «Ҳилол» ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмасининг кенгаш раиси А. М. Азимовга отаси
Маҳкам ОТА
вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир: Саъдулла ҲАКИМ
Таҳрир ҳайъати:
Умида Абдуазимова, Ашурали Аҳмедов, Алишер Каримов, Ғаффор Маннопов, Абдулла Орипов, Тотлимурод Отамуродов, Маҳкам Раҳмонов, Маҳмуд Саидаҳмедов, Баҳром Қодиров, Бегали Қосимов, Абдусами Ҳақбердиев /масъул котиб/.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент, 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР:
масъул котиб — 32-54-17,
хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000040.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-549. 91379 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2.
Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 19.30. 1 2 3 4 5 6.